



БАДИЙ ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИГА ДОИР

УЗОҚ ЖЎРАҚУЛОВ

филология фанлари доктори

ТошДЎТАУ профессори

Аннотация: Ушбу мақолада ижод жараёни адабиётшунослик, психология ва эстетика нуқтаи назаридан мураккаб феномен сифатида таҳлил қилинади. Мақолада анъанавий қарашлардан фарқли равишда ижод жараёнининг икки эмас, балки уч босқичдан иборат эканлиги ҳақидаги илмий фараз илгари сурилади. Бунда бадий асарни яратишга тайёргарлик кўриш ва уни ёзиш босқичлари билан бир қаторда, учинчи босқич – “декомпрессия жараёни” алоҳида ажратиб кўрсатилади. Мазкур босқич ижодкорнинг бадий оламдан реал ҳаётга қайтиши, руҳий мувозанатини тиклаши ҳамда янги асарлар яратишга ички тайёргарлик кўришини ифодалайди. “Декомпрессия” атамаси метафорик маънода қўлланиб, аквалангчининг сув остидан чиққач мослашув жараёни билан қиёсланади. Мақолада Уилям Шекспир, Иоганн Волфганг фон Гёте, Александр Пушкин, Томас Манн, Сомерсет Моем, Абдулла Қодирий ҳамда Алишер Навоий ижоди мисолида ушбу жараённинг индивидуал механизмлари очиб берилади. Тадқиқот натижасида декомпрессия жараёнини ўрганиш ижод психологияси, бадий услуб, образ структурасини ва муаллиф ижодий меросининг яхлитлигини англашда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилиши хулоса қилинади.

Калит сўзлар: декомпрессия, феномен, ижод психологияси, аспект, ижод лабораторияси.

Ижод жараёни адабиётшуносликдаги ўта мураккаб ва, айни пайтда, кенг ўрганилган муаммолар сирасига киради. Муаммонинг оғирлиги шундаки, унга фақат адабиётшунослик аспектида ёндашиш кифоя қилмайди. Бунда тадқиқотчи-адабиётшунос, биринчи навбатда, психология фани ютуқларидан хабардор бўлиши, уни поэтик ёндашув аспекти билан синтезлаши лозим. Иккинчидан, ижод жараёни ҳақида сўз юритаётган адабиётшунос бадий матндан келиб чиқиши, танланган ижодкор (ёки ижодкорлар)га оид матннинг системали структурал таҳлилига эга бўлиши зарур. Учинчидан, тадқиқотчи маълум ижодкор биографияси, хусусан, биографик метод ютуқларидан воқиф бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мана шундай турли аспектларни синтезлаш орқалигина ижод жараёни хусусида муайян илмий-назарий хулосаларни илгари суриш мумкин.



Ижод жараёни жаҳон, рус ва қардош халқлар адабиётшунослари, эстетиклари ва психологлари томонидан ўрганиб келинади. Адабиёт назариясига доир қатор дарсликлар ва монографияларда, адабиётшунослик, фалсафа, эстетика ва психологияга оид луғатларда, илмий тадқиқотлар тўпламларида ижод жараёни хусусида салмоқли хулосалар илгари сурилган. Бу ўринда психолог олим Л.Выготскийнинг санъат ва ижод психологиясига доир махсус тадқиқотларини, Б.Томашевский, В.Жирмунский, М.Храпченко, П.Сакулин, Г.Грифцов, Б.Мейлах, Д.Лихачев, Н.Пиксанов, Г.Поспелов, Б.Бурсов, Б.Костелянец, Е.Аксенова, Ю.Борев, В.Хализев, А.Лук ва бошқаларнинг тадқиқотларини эътироф этиш керак. Уларнинг ижод тарихи, ижод психологияси, ижодий индивидуаллик хусусида илгари сурган фикр-хулосаларининг адабиётшунослик ривожига учун ўзига хос аҳамияти бор.

Аммо бизнинг кузатишларимизга кўра, ижод жараёнига доир барча ишларда бу мураккаб феноменга қатъий тарзда икки босқичли ҳодиса сифатида қаралади. Яъни бадиий асар ёзилгунгача бўлган ижодий тайёргарлик жараёни ва ёзиш жараёни (ёзувчининг ижод лабораторияси) ижод психологиясининг мутлоқ объекти ўлароқ талқин қилинади. Юқорида номлари саналган тадқиқотчиларнинг ишларида шу икки босқичда кечадиган жараёнлар тарихий ва назарий аспектларда ўрганилган.

Бизнинг ишимизда эса ижод жараёнининг икки босқичли эмас, моҳият эътибори билан уч босқичли ҳодиса экани ҳақидаги илмий фаразга илгари суриш ва шу кичик тадқиқот доирасида исбот этишга уриниш мақсад қилинган. Бунда илгари суриладиган умумназарий фикрларнинг нафақат адабиёт, балки ижоднинг барча тур ва шаклларида тегишли экани, ижодий жараёнга оид ушбу босқич макон, замон ва шахс танламаслиги, адабиёт тарихининг барча даврларига хослиги ҳақида фикр юритилади. Айни пайтда, бу босқичнинг амалий воқеланиш жараёнларини кўрсатиш учун қисман жаҳон ва рус ижодкорлари, асосан, ўзбек халқининг буюк мутафаккири ва шоири Алишер Навоий ижоди манбаларига таяниш кўзда тутилади.

Ижод жараёнида муқаррар тарзда кузатиладиган бу босқични биз, шартли равишда, *декомпрессия жараёни* деб номлашга жазм этдик. Маълумки, декомпрессия соф техник ҳодиса ва ҳаракатдаги техник жараёнларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам биз ушбу терминни, худди Михаил Бахтин хронотоп терминини математика илмидан метафора ўлароқ қарзга олгани сингари[2:234-235], техника илмидан метафора сифатида қабул қиламиз. Фақат М.Бахтининг хронотоп термини математика фанидан қисман метафора сифатида қабул қилинган бўлса,



бизнинг декомпрессия жараёни аталган терминимизни том маънода метафора деб қабул қилиш лозим бўлади. Чунки чуқур уммонларга шўнғувчи замонавий акваланглар технологиясига оид бу терминни ижод жараёнига тўғридан-тўғри татбиқ этиш анчайин ноъанавий, бир оз кутилмаган ва, ҳатто кулгили туюлиши мумкин. Аммо қизиғи шундаки, аквалангларга хос ушбу техник жараён ижод жараёнидаги соф психологик босқични, яъни ижодий жараёнинг янги – учинчи босқичини айнан метафорик тарзда акс эттиради.

Кўпчиликка маълумки, гелий жойланган баллонлар билан тубсиз уммон қаърига шўнғиган аквалангмаълум вақт мобайнида сув остида ишлайди. Унинг остидаги жавоҳирлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тадқиқ этади. Бу жараёнда улар табиий кислород билан эмас, балонларида зичлаштирилган гелий моддасидан нафас оладилар. Шўнғилган сув босимининг катталиги шуни тақозо этади. Сув остидаги ишлар тугагач эса акваланглар дарҳол очиқ ҳавога чиқа олмайдилар. Сув остидаги махсус қурилмаларда, ишланган вақт ҳажмига кўра, икки-уч соат декомпрессия жараёнини ўтайдилар, яъни ўз таналарини табиий кислороддан нафас олиш учун тайёр ҳолатга келтирадилар. Агар шу жараёни ўтамасдан туриб, табиий кислород сатҳига кўтарилиб, нафас оладиган бўлсалар, табиий ҳаво уларга салбий таъсир кўрсатиши, бунинг натижаси ўта ҳалокатли бўлиши мумкин.

Кузатишимизга кўра муайян бадий асар устида ишлаётган ижодкор ҳамхудди аквалангга ўхшайди. Қолаверса, Юсуф хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Бобур ўзбек классик шоирлари асарларидаборлиқ ва ундаги воқеликни маъни, сўз уммонига, ижодкорни эса шу уммон тубига шўғиб жавоҳир олиб чиқувчи ғаввосга ўхшатиш анъанаси кўп кузатилади. Ҳақиқатан ҳам, бадий ижод тамомила ўзга дунёга сафар қилиш, уммон остига шўнғишдир. Агар акваланглар денгиз остида гелий баллонларидаги ҳаво тугагунига қадар ишлай олсалар, ижодкор ўз ҳаёлот оламининг теранлигига кўра, бу уммон остида бир лаҳзадан тортиб, эллик-олтмиш йилгача қолиб кетишлари мумкин (Бу ўринда Гётенинг “Фауст” асари ёзилган вақтга тақрибан мўлжал оляпмиз). Агар бадий ижодга асос бўладиган реал дунё воқелиги ва ёзувчининг ҳаёлот оламини уммонга, ижодкор томонидан қуриб битказилган санъат асари намунасини уммон тубидан олиб чиқилган дур ва жавҳарга, ёзувчининг ўзини эса ғаввосга ўхшадини лоақал метафорик маънода тан оладиган бўлсак, у ҳолда бу ғаввос реал дунёга қайтиши учун албатта декомпрессия жараёнини ўташи лозим. Бу жараён инсониятга тақдим этилган асарнинг бадийят ва умуминсоний маърифат, инсонпарварлик нуқтаи назаридан қайси даражани ишғол қилганига қараб, ҳар хил давом этиши мумкин.



Мана шу жараёнинг қандай кечгани ижодкор фаолиятининг нақадар фаол ва сермахсул бўлишини ҳам таъминлайди. Шу жараён муваффақиятли ўтмаса, ижодкор кейинги асарини ёзиш учун тайёр бўлмайди. Унинг реал дунё билан кечадиган муносабатларига футур етади. Ҳатто бу ижодкор ва реал дунё ўртасидаги кескин зиддиятига олиб келиши, оқибат иш ижодкорнинг дунё ҳаётига қўл силташигача бориб етиши мумкин.

Албатта, акваланглар ўташи лозим бўлган декомпрессия жараёни билан бадиий ижоддаги декомпрессия жараёнининг амалга ошув механизми тубдан фарқ қилади. Аквалангнинг уммон остида қанча бўлиши, гелий баллони орқали қанча ҳавони ютиши ва чиқариши, декомпрессия жараёни қай шаклда ва қанча вақт давом этиши аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган бир бутун илмий механизмдир. Шу билан бирга, бу механизм барча акваланглар учун умумий ҳисобланади. Ҳар бир акваланг шу аниқ қонуният бўйича декомпрессия жараёнини ўташи шарт. Бадиий ижоддаги декомпрессия жараёни ҳам маълум маънода умумий механизмга эга бўлиши билан бирга, ижод тури, ижодкорнинг шахси, ёши, табиати, истеъдоди, яшаб турган муҳитига кўра ҳар давом этади. Аниқроғи, ҳар бир ижодкор ижод йўли давомида ўзига хос декомпрессия механизмини намоён этади. Умуман, гениал рассом, шоир ёки ёзувчининг ижод йўли асардан асарга боғланиб кетган ўзига хос бир тизим. Мана шу тизимнинг бутунлигини, турли давр, турли шакл ва мазмун, турли пафосларда ижод этилган асарлар аро тизимли муносабатни, қонуний изчилликни сақлаб турадиган занжирвазифасиниянан декомпрессия жараёни бажаради.

Адабиёт ва санъат тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Хусусан, бизнинг сўфий шоиримиз Аҳмад Яссавий олтмиш уч ёшига қадар ижтимоий ҳаётда ўта фаол иш олиб борган, кўплаб муридларига эга пир-муршид сифатида Туркистон халқлари сиёсий турмушига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Аммо олтмиш уч ёшга етгандан кейин ўзига ер остидан хонақо қуриб, қолган умрини ўша ерда ўтказган. Бу ҳодисага шоирнинг ўзи “Кўнгли қаттуқ ҳалойиқдан қочтим мано” дея изоҳ беради. Зотан, маърифатпарвар, инсонпарварлик ва эзгулик тарғиботчиси бўлган Яссавий шафқатсиз ва ёлғончи дунё ишларига шу тарзда исён қилади. Шу тарзда ўз ижод ва маърифат дунёсига ўз-ўзини дафн этади[8:41].

Лондондаги аристократлар муҳитидаги сохталик, фитна ва бўҳтонлар (бу ўринда машҳур “Шекспир масаласи” ва бошқа ижтимоий-маиший муаммолар кўзда тутилмоқда) аро машҳур драмалари, трагедиялари, комедиялари ва сонетларини ёзишга куч топа олган Уильям Шекспир токи 1612 йилга қадар мураккаб ижодий декомпрессия жараёнларини матонат билан ўтаб келди. Умрининг сўнгги тўрт йилини эса Лондондан кетиб,



туғилиб ўсган шаҳарчаси Стредфордда – узлатда ўтказди[3: 317-331].

Машхур Гёте ўзининг “Фауст” асарини бутун умр ёзди. Ҳаёти давомида ижод этган барча бошқа асарлари мана шу буюк асарини ёзиш учун декомпрессия тизими жараёни бўлиб хизмат қилди гўё. Гўё у ҳаётининг узун йўлида кичик-кичик бадиият парчалари (шеърлар) ўларок кашф этган ҳақиқатларини “Фауст” тимсолида бирбутун тақдим этди. У ёш Эккерман билан бўлган суҳбатларининг бирида ўз суҳбатдошини катта асар ёзишда эҳтиёт бўлишга чақиради. Катта асар ижодкорниборлиқдаги реал воқелик воситасида олиши мумкин бўлган асл сюжетлардан, ноёб бадиий парчалардан, ижодга хос мунтазамликдан чалғитиши мумкин дея огоҳлантиради. Фақат узвийликда кашф этилган парчалар тизимидагина юксак бадиият намоён бўлиши ва сақланиб қолиши мукинлигини айтади: “Асл инкор этиб бўлмас ҳуқуқлари билан аслдир. Шоирни эзиб турган кундалик фикр-таҳайюл ташқарига чиқишни хоҳлайди ва шунай бўлиши ҳам керак. Агар сен катта асар ёзишни ҳаёл қилсанг унинг атрофида ҳеч нарса кўкармайди. У сендаги бор ижодий қувватни сўриб оладики, ҳаётнинг турфа гўзалликларидан маълум вақт узилиб қоласан”[7: 71].

Рус шоири А.С.Пушкин ҳаётининг сўнгги йиллари ижтимоий-маиший фитналарга, кутилмаган драматик вазиятларга тўла бўлгани ҳаммага маълум. Мана шундай трагик вазиятларда ҳам шоир ижод қилишдан тўхтамади. Ўз ижод оламида жон сақлади ва янгидан-янги асарлар ёзиш учун қайта туғилишга ўзида куч топа олди. Подшоҳ ҳузурида, балларда, меҳмондорчилик ва дўстлар даврасида объектив марказида турган Пушкин аслида сурат эди холос. Суратдаги Пушкин бошқалар билан суҳбатлашиши, шеър ўқиши, нималарнидир сотиб олиши, кимларгадир далда бериши, овқатланиши, муҳаббат изҳор қилиши, мунозара қилиши, дуэлга чиқиши мумкин. Уни ўраб турган ижтимоий-маиший муҳит фақат мана шу Пушкинни кўради, фақат у билан мулоқот қилади, унгагина баҳо беради: ғийбат қилади, қарғайди ва алқайди. Аммо асл Пушкин бу эмас. Бу унинг суврати холос. Бу пайтда асл Пушкин ўзининг ижод дунёсида яшаётган, тўғрироғи, кейинги буюк асарларини ёзиш учун сўз уммони остида декомпрессия жараёнини ўтаётган бўлади. Шоирнинг замондоши Поляков шундай ҳикоя қилади: “Онегин” (“Евгений Онегин” шеърый романи кўзда тутилмоқда) нашр этилиб, дунё юзини кўрганда Пушкин шу қадар қувондики, ҳар куни бирор танишини китоб дўконига етаклар, унга ўз китобини кўрсатар эди...” [1:466]. Ҳолбуки, айни дамларда шоирнинг ўлим соатлари яқинлашиб келар, у бутун жамият ичра олабўжига айланган, ёлғизланиб қолган ва буни ўзи ҳам яхши ҳис қилиб турар эди. Шоирнинг 1836 йил 16 январда ёзилган ушбу сатрлари очик-ойдин бунга ишора қилади:



Не славь его: в наш гнусный век
Седой Нептун Земли союзник.
На всех стихиях человек
Тиран, предатель или узник [1: 502].

Немис ёзувчиси Т.Манн муҳожирликда яшаган иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзининг туғишганлари, дўстлари, касбдошлари ва ҳ.к.лар билан доимий тарзда хат ёзишиб турган. Бундай хатларда ёзувчининг ижодий кайфияти акс этган. Бинобарин, аксарият хатларда ёзувчи ўз асарлари, улардаги қаҳрамонлар, воқеаларга мурожаат қилади. Асарларидан мисоллар келтиради. Юз бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маиший-психологик ҳолатларни ўз асарлари контекстида кузатади. Бундан маълум бўладики, ёзувчи ўзига чексиз изтироблар келтирган шундай таҳликали замон жараҳатларига асарларидан малҳам кўяди. Бомбалар гумбури, азобланаётган инсон ингроғи, йиғлаётган бола ноласини ўз бадий оламига кўчиради. Ўзининг даҳлсиз дунёсида жон сақлайди, янгидан-янги асарлар ёзишга ўзида куч топа олади. Жумладан, Карл Кереньи номига битилган мактубида шундай сўзларни ўқиймиз: “Что ж, плач – довольно актуальное средство выразительности, Вы не находите? Картина скверная. Мои известия из Германии и вовсе безнадежны. Вообще то я, правда, думаю, что на круг, несмотря на противоположное впечатление, человечество все-таки сделало порядочный шаг вперед. К тому же оно живуче, как кошка. Даже атомная бомба не вызывает у меня серьезного страха за него. Разве живучест его не сказывается в нас самых? Какое это странное легкомыслие, какая это доверчивость, что мы еще творим *произведения* (курсив принадлежит Т.Ману)! Для кого? Для какого будущего? И все же произведение, буд то даже произведение отчаяния. Всегда по сути своей оптимистично, основано на вере в жизнь – ведь с отчаянием дело обстоит особо: в нем самом есть трансценденция к надежде” [6: 218]. А.Н.Лук ўзининг ижод психологиясига доир кузатувлари асосида келган қуйидаги хулосаси Т.Манн фикрлари билан ҳамоҳанглик касб этади: “Результат работы художника выражает его внутреннее состояние, его видение мира” [5: 104].

Аммо масаланинг мураккаблиги шундаки, ижодкорга хос бундай чуқур психологик ҳолатлар, интуитив жараёнларни фан ва мантиқ тили билан тўла изоҳлаш мумкин эмас. Булбулнинг дардини гул билганидек, одамзот бу ҳодиса моҳиятига фақат адабиёт воситасидагина чуқурроқ кира олган. Француз классицизм адабиётининг етакчи намояндаларидан П.Корнелнинг драматик асарларидан бирида умри давомида бор-йўғи бирра портрет чизган, ҳаётининг қолган қисмини шу асарига термилиб



ўтказган рассом образи учрайди. Бу гарчи ижодкорнинг соф бадий образи бўлса-да, ўз ижод оламига бир умр қамалиб қолган, бизнингча, бир умрлик декомпрессия жараёни ўтаган ижодкор ҳақида хабар беради.

С. Моэмнинг “Луна и грош” романи қаҳрамони Стрекленд жамият ва ўз маиший ҳаётидаги ҳамма нарсадан кутилмаганда юз ўгиради. Қолган умрини оиласиз, дўстларисиз, ғарибликда ўтказади. Тунни кунга улаб фақат сурат чизади. Ўз суратларини чизгани, жамият ичра эътибор ва машхурлик топгани сайин у янада тундлашиб, ёлғизланиб, реал ҳаёт чегараларидан узоқлашиб боради. Жараён унинг сўнгги, ўзи излаётган суратини чизгунича давом этади. Сўнгги суратини чизиб бўлгач, унинг ижоди, ижоди билан бирга ҳаёти ҳам тугайди. Зотан, энди унинг ҳаёт йўллари интиҳо топган, Стрекленд ижодидаги декомпрессия жараёнларига нуқта қўйилган эди.

Биринчи ўзбек романнависи А.Қодирий ўзининг машхур “Ўткан кунлар” романи бош қаҳрамони Кумуш ўлимини тасвирлаётганда ўксиб-ўксиб йиғлаган экан[4: 99-100]. Бу романинг сўнгги эпизоди, ижодий жараённинг охири эди. А.Қодирий “Ўткан кунлар”ни ёзиш учун бир умр тайёргарлик кўрди. У олдинроқ ёзган шеър, ҳикоя ва қиссалар ёзувчи учун “Ўткан кунлар” томон юксалтириб борган зина вазифасини бажарди. Бу юксалиш йўли “Ўткан кунлар”га келиб тугади. Бевосита ижод психологияси нуқтаи назаридан қаралганда А.Қодирийнинг ўз қаҳрамони Кумуш ўлимига йиғлашини – ижодий онг ости жараёнларининг воқе бўлиши, яъни ёзувчининг ўз ижодий ўлимига мотам тутиши, десак хато бўлмайди.

Декомпрессия жараёнининг Алишер Навоий ижодида кечиш механизми эса тамомила ўзига хос.

Маълумки, Алишер Навоий умри давомида кўплаб лирик, тарихий, биографик, диний, илмий-назарий асарлар ёзган. Унинг ижодидаги декомпрессия жараёнлари ўта фаол ва узлуксиз давом этган. Айни жараёнлар мутафаккирнинг “Хамса” асари ва “Лисон ут-тайр” деб номланувчи сўнгги достонида нисбатан конкретроқ воқеланади.

“Хамса”нинг ҳар бир достони иккинчисини тақазо этаган. Бири иккинчисига уланиб, ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан уйғунлашиб кетган. “Хамса”даги бундай мураккаб конструкция айнан декомпрессия жараёнлари мураккаблиги ва хамса жанри бирбутунлигини таъминлаган. Шоирдаги дoston воқеалари оламидан реал ҳаётга қайтишни истамаслик, шу виртуал дунёда яшаш, бу дунёни янада мукаммал қилиш иштиёқи шундай улуғ асарнинг дунёга келишига асос бўлди. Бизнингча, бундай улкан ва мураккаб бадий қурилманинг ҳосил бўлиши бевосита Навоийнинг дунёқараши ва эътиқоди билан боғлиқ.



Навоий “Хамса” сишарқ-ислом муҳитида дунёга келган. Шунинг учун Навоий ижоди ва дунёқараши бу муҳитнинг асосини ташкил этган куйидаги бешлик-устунларга таянади. Буларнинг биринчиси исломнинг беш устун ҳисобланиб, мусулмоннинг бир умрлик вазифалари и й м о н, н а м о з, р ў з а, з а к о т, ҳ а ж деб номланади. Иккинчиси мусулмон одамнинг кундалик турмушининг асоси ўлган беш вақт намоздир. Бу фарз амалларнинг ҳар бири иккинчи амалга ўтишда кўприк бўлади, бири бошқасини тўлдиради, мусулмон одамни иймоннинг заифлашувидан сақлайди ёки иймонни янгилаб туради. Беш вақт намозда бомдод пешинга қадар, пешин асрга қадар, аср шомга қадар, шом хуфтонга қадар мусулмонни чин ислом, комил иймон оламида ушлаб туради. Иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж сингари беш устун эса мусулмоннинг умри давомида покланиши, ўлим сари комил иймон билан боришини таъминлайди. Аниқроқ айтганда, буларнинг барчаси комил мусулмон ҳаётидаги мустаҳкам тизим, ўзига хос декомпрессия жараёни ҳисобланади. Агар мусулмон уларнинг бирортасини тарк этса, кейинги каттароқ, давомлироқ тарқлар учун замин ҳозирлайди. Декомпрессия жараёни узилиб қолади. Мусулмоннинг Яратган билан алоқаси узилса, бу маънан ўлим, яъни фожиа демакдирки, уни ҳеч томонлама жисмоний ўлим фожиаси билан қийслаб бўлмайди. Мусулмон одамда бу жараён табиий ўлимга қадар циркулятив тарзда давом этиб туриши керак. Навоий ижоди, хусусан, “Хамса” дostonлари аро декомпрессия жараёни мана шунга асосланади.

Навоий ижодидаги декомпрессиянинг сўнгги кульминацион нуқтаси – “Лисон ут-тайр” дostonидир. Бунда комил мусулмоннинг Оллоҳ висолига эришув йўлидаги машаққатлари, мусулмон руҳий олами сирлари бадий тасвир этилган. Пайғамбаримиз (с.а.в) меърож тунида, Оллоҳ жамолига эришганлар. Шундан сўнг бу мақом барча комил мусулмонларнинг орзусига айланган. Мана шу саодатли мақом Навоийнинг ҳам энг катта орзуси ҳисобланади. Навоий ижоди декомпрессиясининг кульминацион нуқтаси, эстетик идеалининг чўккиси “Лисон ут-тайр”, иждокорнинг ҳам сўнгги манзилдир.

Хулосалар:

1. Жаҳон адабиётшунослиги тарихида иждожаёни атрофлича ўрганиб келинаётгани билан бирга, унинг ўта мураккаб, серқирра ва янгидан янги хусусиятларини намоеъ қилиши мукин бўлган ўзига хос феномен экани шубҳасиз.

2. Адабиётшунослик, психология ва эстетикага оид мавжуд ишларда иждо жараёни икки босқичли ҳодиса сифатида ўрганиб келинган. Аммо бадий воқелик айни ҳодисанинг, иждо феномени учун муҳим бўлган



учинчи босқичи ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

3. Ижод жараёнига хос учинчи босқични, метафорик планда, *декомпрессия жараёни* деб номлаш мумкин. Декомпрессия жараёни моҳиятан ижодкор йўлининг самарали, мазмунли бўлишини таъмин этади. Шунингдек, фақат декомпрессия жараёни воситасидагина бир ижодкор томонидан бунёд этилган асарлар мажмуаси бир бутун, ҳаракатдаги тизим сифатида қабул қилиниши ва ўрганилиши мумкин.

4. Декомпрессия жараёни механизми ҳар бир ижодкорда индивидуал тарзда кечади. Аммо бадий асарнинг таъсирчанлиги, фойдалилиги, абадияти, асосан, мана шу декомпрессия жараёнининг қандай кечиши билан боғлиқ.

5. Бу жараённи тизимли ўрганишнинг ижодий жараён, ижод психологияси, ижодкор шахсияти, бадий асар, образ ва образлилик, бадий услуб, бадий сўз структураси сингари соф назарий муаммолар ечимида улкан аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Абрамович С. Пушкин. Последний год. Хроника январь 1836 – январь 1837.-Москва: Советский писатель, 1991.
2. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики.-Москва: Художественная литература, 1975.
3. История всемирной литературы. Том третий.-Москва: Наука, 1985.
4. Кадыри Х. Об отце. Воспоминания. На узбекском языке..-Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1983.
5. Лук А.Н. Психология творчества.-Москва: Наука, 1978.
6. Манн Т. Письма. Издание подготовил С.К.Апт.-Москва: Наука, 1975.
7. Эккерман И.П. Разговоры с Гете в последние годы его жизни. Перевод с немецкого Н.Манн.-Москва:Художественная литература, 1981.
8. Яссави Ахмад. Книга изречений. На узбекском языке. Составитель И.Хаккулов.-Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1991.